ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИГА ОИД ЭКСПОЗИЦИЯЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Зубайдулло КАРИМОВ
мустақил изланувчи
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Ўзбекистон тарихи давлат музейи
Тошкент, Ўзбекистон
Эл.почта: ZKUzb@mail.ru

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспозициясида Иккинчи жаҳон урушига оид кўргазмалар ва экспозицияларнинг яратилиши тарихи, музей экспозициясида ўзбекистонликларнинг фронтдаги жасорати ва қаҳрамонлиги ҳамда фронт ортидаги фидокорона меҳнатлари тасвирланиши ёритилган.

Таянч сўзлар: музей, кўргазма, экспозиция, экспонат, музей ашёлари, Иккинчи жаҳон уруши, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, тарихий ҳужжатлар, жасорат, қаҳрамонлик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий, тарғибот.

СОЗДАНИЕ ЭКСПОЗИЦИЙ О ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЕ В ГОСУДАРСТВЕННОМ МУЗЕЕ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

Зубайдулло КАРИМОВ
независимый исследователь
Государственный музей истории Узбекистана
Академии наук Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье речь идет об истории создания в экспозиции Государственного музея истории Узбекистана выставки и экспозиции на тему Второй мировой войны, об отражении в экспозиции музея мужества и героизма узбекистанцев на фронте и их самоотверженного труда в тылу.

Ключевые слова: Музей, выставка, экспозиция, экспонат, Вторая мировая война, Государственный музей истории Узбекистана, исторические документы, военная история, мужество, героизм, научные исследования, духовно-просветительская, пропаганда.

Музейлар табиий ашёлар, моддий ва маънавий маданият ёдгорликлари йиғиш ҳамда сақлаш вазифасини бажариш мақсадида пайдо бўлиб, табиат ва жамиятнинг тарихий тараққиёт жараёнлари ва ҳодисаларини илмий ўрганиш, илмий билимларни тарғиб қилиш, жамиятнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган далилларни йиғиш, сақлаш ва

тадқиқ қилиш билан боғлиқ ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфидаги илмий тадқиқот, маданий-маърифий муассасаларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон тарихи давлат музейи мамлакатимиздаги 140 тадан ортиқ давлат музейларидан бири саналиб, қарийиб 150 йиллик тарихга эга. Музей дастлаб “Тошкент музейи” номи билан 1876 йил 12 июлда расман очилган [3;292].

Музей ўз тарихида Туркистон ўлкаси халқ музейи, Туркистон Бош музейи, Ўрта Осиё Бош музейи, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи номлари билан фаолият юритиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон тарихи музейини ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли қарори билан ҳозирги номи билан қайта ташкил этилган [2].

Музей фондида 360 мингга яқин археология, этнография, нумизматика, табаррук буюмлар, тарихий ҳужжатлар ва фотонегативлар, илмий кутубхонасида XIX-XX-аср ва ундан қадимги даврларга оид илмий адабиётлар сақланади.

Музей экспозицияси тўққиз бўлимдан иборат:

Ўзбекистон ҳудудида тош даври;

Ўзбекистон ҳудудида бронза даври;

Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши;

Фан ва маданиятнинг ривожланиши;

-Амир Темур ва темурийлар даври ренессанси;

-XVI-XIX асрларда Ўзбекистон;

-XIX-XX асрларда Ўзбекистон [3;132].

Ўзбекистон Фанлар Академияси томонидан тасдиқланган концепцияга асосан “Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки” экспозицияси замонавий инновацион технологиялар асосида тубдан янгидан яратилди.

Экспозиция таркиби қуйидагилардан иборат:

-Иккинчи жаҳон уруши: Умумий сафарбарлик, фронтдаги жасорат;

-Ўзбекистон халқининг фронт ортидаги фидокорона меҳнати;

-Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонда фан, таълим, маданият намоёндалари;

-инсон-азиз, хотира муқаддас;

-Ўзбекистонга аҳолининг эвакуация қилиниши.

Экспозицияда Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши тарихи даврига оид табаррук буюмлар, архив ҳужжатлари ва негатив фондларига тегишли 200 дан ортиқ экспонатлар намойишга қўйилган.

Сенсор киоскларда Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши даври тарихига оид маълумотлар, Ўзбекистонга кўчириб келтирилган завод ва фабрикалар, медицина ходимлари билан бирга тўлиқ эвакуация қилинган госпиталлар, эвакуация қилинган аҳоли ва болалар [4;464], Ўзбекистон халқининг фронт ортидаги фидокорона меҳнати билан фронтга юборилган маҳсулотлари тўғрисида аниқланган янги маълумотлар, ҳужжатлар ва адабиётлар электрон нусхалари ва фильмлар жойлаштирилган.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Иккинчи жаҳон урушига оид илк доимий экспозицияси 1947 йилда “Февраль буржуа демократик революцияси” ва “Совет Ўзбекистони (1917-1945)” мавзулари билан очилган [5].

1947 йилда ишлаб чиқилган “Совет Ўзбекистони” экспозицияси мавзули режасининг 12-бўлими “Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида” деб номланиб, экспозиция таркибини Улуғ Ватан уруши бошланишидаги халқаро ҳолат, Урушнинг биринчи даврида фронт ва фронт орти, Сталинград жанги ва урушнинг боришидаги катта ўзгариш, ўнта қақшатқич зарбалар, душман ҳудудидаги операциялар, Ўзбек халқи фарзандлари Улуғ Ватан уруши фронтларида, Ўзбекистон Совет армиясининг асосий таянчларидан бири (саноат ва қишлоқ хўжалиги уруш йилларида), уруш даврида Ўзбекистонда маданият ва фан, Ўзбекистон Фанлар Академияси, урушдаги тўлиқ ғалабамиз, ғалабанинг асосий сабаблари, япон империалистларининг тор-мор этилиши билан боғлиқ экспонатлар ташкил этган [6].

Ўзбекистон Фанлар Академияси президиуми томонидан тасдиқланган комиссия аъзолари, ЎзФА мухбир аъзоси, ижтимоий фанлар бўлими раиси раҳбарлигида 1953 йил Тарих музейининг “Совет бўлими” залларини реэкспозициядан кейин қабул қилиш мажлисида ЎзФА мухбир аъзоси, ижтимоий фанлар бўлими раиси Р.Н.Набиев сўзга чиқиб, музей экспозициясида “СССРда социализмнинг иқтисодий муаммолари”ни ёритишда амалга оширилган ишлар етарли олиб борилмагани, Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши ва маҳаллий аҳолининг турли хил воқеаларда иштироки етарли кўрсатилмагани тўғрисида фикр юритади. Шунингдек, у музей экспозицияси бундан икки йил аввалгидан анча яхшиланганги, музейни очиш мумкинлиги, шу билан бирга музей жамоасига кўрсатилган масалалар юзасидан ўзгаришлар ва тўғрилашлар бўйича иш олиб борилишини таъкидлайди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих музейининг Совет бўлимини реэкспозициядан сўнг қабул қилиш комиссиясининг 1953 йил 23 апрелдаги хулосасида текстлар тўғриланиши, сарлавҳалар ёзилиши, ўзбек тилига таржималар текширилиши, маданият бўлими тўлдирилишига кўп вақт кетмагани инобатга олиниб, музей экспозициясини кенг жамоатчилик учун 1953 йил 15 апрелдан очиш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилади [7].

Комиссия аъзоси, тарих фанлари номзоди Х.Т.Турсуновнинг Совет бўлими залларини реэкспозициядан сўнг қабул қилиш бўйича 19-бандида ЎзФА Тарих институти материалларидан фойдаланиб Улуғ Ватан уруши бўлими витриналарини ўзбек халқининг Улуғ Ватан урушидаги иштирокига оид ҳужжатлар билан тўлдириш, 20-бандида Улуғ Ватан уруши бўлимида Ўзбекистонга саноат корхоналари эвакуация қилиниши кенг ёритилиши зарурлигини таъкидлайди [7].

1953 йилда ЎзФА Тарих музейи “Совет бўлими” мавзусида экспозицион режа ишлаб чиқилган. 1975 йил 16 апрелда тасдиқланган “Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида залини янги эспонатлар билан бойитиш рўйхати”га асосан экспозиция 42 номда 45 та экспонат билан билан бойтилади [9].

“Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида” зали асосан 7 та янги экспонат билан бойитилган. 1986 йилда С.Агъзамова муаллифлигида музейнинг “Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида (1941-1945 йиллар)” бўлими мавзусидаги экспозиция режаси ишлаб чиқилган [10].

А. Ревес, М.Джамаловлар томонидан ҳам “Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида (1941-1945 йиллар)” мавзусидаги [11] ва “Ўзбекистон ССР Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши йилларида (июнь 1941 – май 1945 йиллар)” мавзусидаги экспозиция режаси ишлаб чиқилган [12].

Участники Великой Отечественной войны знакомятся с экспозицией Музея истории народов Узбекистана.

Музей илмий ходими А.Ревес томонидан Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспозициясида “Ўзбекистон педагогика олий ўқув юртларининг тарих факультети талабалари учун ўлкашунослик-музей амалиётини ўтиш бўйича услубий қўлланма” ишлаб чиқилган. Услубий қўлланмада музей экспозициясидаги ўзбекистонлик жангчиларнинг қаҳрамонлиги, шу жумладан Совет Иттифоқи қаҳрамонлари М.Топиболдиев, Н.Полагушеноларнинг жасорати ҳақида ҳам сўз юритилган.

Ҳамкорликда Ўзбекистон тарихи давлат музейи расмий веб-сайти [13] “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасининг расмий веб-сайтларини [14] ўзаро бир-бирига мувофиқлаштириш режалаштирилган.

Урушдан аввалги Ўзбекистон аҳолиси, жанг майдонларига сафарбар этилганлар, эсон-омон юртга қайтиб келганлар, жанг майдонларида ҳалок бўлганлар, бедарак йўқолганлар билан боғлиқ маълумотлар шу пайтга қадар

бошқа, бугунги кунда бошқа рақамни кўрсатмоқда. Қуйидаги жадвалда мана шу маълумотлар акс этган (Қаранг: 1-жадвал).

1-жадвал.

Т/р	**Ўзбекистон аҳолиси билан боғлиқ маълумотлар**	**Аввалги маълумотларга кўра**	**Ҳозирги маълумотларга кўра**
1	Урушдан аввалги аҳоли сони	6.551.000	6.700.000
2	Урушга сафарбар этилганлар	1.433.230.	1.951.000
3	Жанг майдонидан қайтиб келганлар	658.780	1.054.298
4	Уруш майдонида ҳалок бўлганлар	396.000	538.000
5	Урушда бедарак йўқолганлар	263.055	158.000

Ўзбекистон Республикасининг Иккинчи жаҳон уруши даври тарихига оид янги маълумотлар билан Ўзбекистон тарихи давлат музейининг “Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки” номли экспозициясидаги сенсор киосклар орқали чуқурроқ танишиш мумкин.

Музей томонидан Иккинчи жаҳон урушига оид кўргазмалар ташкил этилиб, экспозициялар янгиланиб, бойитиб борилмоқда. Шунингдек, жойларда доимий кўчма кўргазмалар ташкил этиб борилади.

Ветераны Великой Отечественной войны у стенда выставки, организованной Музеем истории народов Узбекистана в махалля «Хувайдо» г. Ташкента к 30-летию победы над фашистской Германией

Ўзбекистон тарихи давлат музейида олиб борилган амалий ишлар халқимизнинг урушдаги жасорати ва қаҳрамонлиги, уруш ортидаги

фидокорона меҳнати, тарихий хизматларини мамлакатимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигига етказиш ва абадийлаштириш, ёш авлодни ота-боболаримиз жасоратига муносиб бўлган, бугунги тинч, осойишта ҳаётни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлашга қодир, жонажон Ватанимизга садоқатли инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон тарихи музейини ташкил этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрель 203-сонли қарори https://lex.uz/docs/424562
2. Исмаилова Ж.Х., Левтеева Л.Г. Ўзбекистон тарихи давлат музейи. Йўл кўрсатгич. – Тошкент: “Premier Print” МЧЖ, 2013. –132 б.
3. Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1975. – 292 с.
4. Сотволдиев Ф.М. Кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ва фронт ортида кўрсатган беқиёс жасорати: тарих, талқин, технология: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Замин нашр, 2023.
5. ЎзФА архиви. Фонд №59, рўйхат №1, сақлов бирлиги №7.
6. ЎзФА архиви. Фонд №59, рўйхат №1, сақлов бирлиги №5.
7. ЎзФА архиви. Фонд №59, рўйхат №1, сақлов бирлиги №153.
8. ЎзФА архиви. Фонд №59, рўйхат №1, сақлов бирлиги №155.
9. ЎзФА архиви. Фонд №59, рўйхат №1, сақлов бирлиги №438.
10. ЎзФА архиви. Фонд №59, рўйхат №1, сақлов бирлиги №669.
11. ЎзФА архиви. Фонд №59, рўйхат №1, сақлов бирлиги №541.
12. ЎзФА архиви. Фонд №59, рўйхат №1, сақлов бирлиги №254.
13. http://history-museum.uz.
14. http://Shon-sharaf.uz. http://Galababogi.uz. http://Warheros.uz.